



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев «Ўзбекнефтгаз» акциядорлик жамиятининг жорий йил биринчи ярмидаги фаолияти ва йил якунига қадар устувор вазифалари юзасидан ҳисобот билан танишди.

Давлатимиз раҳбари аҳоли ва иқтисодиёт тармоқларини нефть маҳсулотлари билан барқарор ва уزلуксиз таъминлаш чораларини кўриш бўйича топшириқлар берди.



Президент Шавкат Мирзиёев алоҳида таълим эҳтиёжлари бўлган болаларни таълим ва ижтимоий хизматлар билан қамраб олиш, муайян яшаш жойига эга бўлмаган ҳамда одам савдосидан жабрланган шахсларни қўллаб-қувватлаш, шунингдек, имтиёзли транспорт хизматларини рақамлаштиришга қаратилган таклифлар тақдироти билан танишди.

Давлатимиз раҳбари тақдим этилган таклифларни маъқуллаб, янги хизматларни жойларда сифатли йўлга қўйиш ва белгиланган чора-тадбирлар ижросини қатъий назорат қилиш бўйича топшириқлар берди.



YURT TARAQQIYOTI YO'LIDA
BIRLASHAYLIK!

Ishonch

2026-yil,
4-avgust,
seshanba
№95
(5315)

● Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqq boshlagan

● O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

ЁШ АВЛОД САЛОМАТЛИГИ ВА КАМОЛОТИ барча нарсадан муҳим

Жорий йилда республикамызда **179 та** стационар оромгоҳ фаолият юритиши белгиланган бўлиб, амалда **181 таси** мактаб ўқувчиларини ўз бағрига олди. Айни пайтга қадар ушбу оромгоҳларда **153 минг нафардан** ортиқ бола соғломлаштирилди. **157 минг 680 нафарлик** режанинг **98 фоизи** бажарилди. Айтиш лозимки, бу рақамлар ёзги соғломлаштириш ишлари юқори суръатларда давом этаётганини кўрсатади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тасарруфидаги **84 та** оромгоҳда ҳозирга қадар **83 минг 664 нафар** бола соғломлаштирилди. Бу белгиланган **82 минг 255 нафарлик** режага нисбатан **102 фоизлик** ижро таъминланганини кўрсатади.

Бундан ташқари, **2 август ҳолатига** республикамызда **1242 та** кундузги оромгоҳда **147 минг 317 нафар** болажон таътилини мароқли ўтказишди.

Ўтган йили ёзги соғломлаштириш мавсумида **188 та** стационар оромгоҳда **161 527 нафар** бола соғломлаштирилган. Шундан Федерация тизимидаги **81 та** оромгоҳда **79 972 нафар** бола дам олдирилган.



ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИК ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Жараён

Навоий вилоятида меҳнат муносабатларини янада такомиллаштириш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш йўлида яна бир муҳим қадам ташланди. «BILLUR AVTO SAVDO NAVOIY» ва «BILLUR MOTORS NAVOIY» масъулияти чекланган жамиятларида бошлангич касаба уюшмаси ташкилотлари тузилиб, уларда фаолият юритаётган

150 нафардан ортиқ ходим Ўзбекистон металлургия ва машинасозлик саноати ходимлари касаба уюшмаси аъзолари сафига қабул қилинди.



Бу мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, муносиб меҳнат шароитларини таъминлаш ҳамда иш берувчи ва ходимлар ўртасида ижтимоий шериклик муносабатларини янада ривожлантиришга қаратилган ислохотлар изчил давом этаётганини англатади.

Янги касаба уюшмаси ташкилотлари меҳнат жамоасида ўзаро ишонч, очиқ мулоқот ва ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш билан бирга, ҳар бир ходимнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг самарали институционал механизмини яратди. Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда Конституция, Меҳнат кодекси ҳамда «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун талабларига мувофиқ касаба уюшмаларининг асосий вазифалари, ходимлар учун яратиладиган имкониятлар ва ижтимоий шерикликнинг аҳамияти атрофлича тушунтирилди.

Йиғилишда иштирок этган меҳнат жамоаси вакиллари касаба уюшмаси фаолияти корхонада очиклик, адолат ва ўзаро масъулият ҳудудини янада кучайтиришини, муҳимтар манфаатларини ҳимоялаш билан бирга, корхона тараққиётига ҳам хизмат қилишини таъкидладилар. Шунингдек, янги бошлангич касаба уюшмалари яқин вақт ичида жамоа шартномаларини ишлаб чиқиш, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича жамоатчилик назоратини кучайтириш, ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда ижтимоий дастурларни йўлга қўйиш бўйича тизимли ишларни бошлайди.

Бугунги кунда замонавий корхоналар барқарор ривожланиши нафақат иқтисодий кўрсаткичлар, балки инсон капиталига бўлган эътибор билан ҳам баҳоланмоқда. Шу нуқтаи назардан, «BILLUR AVTO SAVDO NAVOIY» ва «BILLUR MOTORS

NAVOIY» масъулияти чекланган жамиятларида касаба уюшмаси ташкилотлари ташкил этилгани меҳнат муносабатларини янада замонавийлаштириш, ижтимоий шериклини мустаҳкамлаш ва ходимлар учун муносиб меҳнат шароитларини яратиш йўлидаги муҳим амалий қадам бўлади.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти Кенгаши томонидан хусусий секторда ҳам бу ҳаракатни жадаллаштириш, иш берувчилар билан конструктив ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда муносиб меҳнат таъминларини ҳаётга татбиқ этиш ишлари изчил давом эттирилмақда.

Маҳбуба ҚАМБАРОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерациясининг
Навоий вилояти кенгаши
меҳнат техник инспектори

ТЕХНОЛОГИЯ 3 ENGLISH 3

**МАКТАБЛАРДА
ЎҚУВЧИЛАРДАН
КИТОБЛАР
УЧУН ИЖАРА
ПУЛИ ОЛИНМАЙДИ**

ТАБIIY
FANLAR 3

Батафсил маълумот олиш
учун «Ishonch»нинг
Телеграм каналига ўтинг:

**ЯНА САРСОН
БЎЛАМАН, ДЕБ
ЎЙЛАГАНДИМ...**

Мақолани батафсил
ўқиш учун «Ishonch.uz»
сайтига ўтинг:

Ўзбекистон ялпи ички маҳсулоти ҳажми 8,5 фоизга ўсди

2026 йил январь-июнь



ЯИМ ҳажмининг йиллар кесимидаги динамикаси
(январь-июнь)



<https://t.me/uzstatxborot>

www.ishonch.uz

www.//

ishonch1991@yandex.uz

facebook.com/ishonchofficial.uz

https://t.me/ishonchuz_official

«1211» эшитади...

ЭНДИ КИМГА МУРОЖААТ ҚИЛИШНИ БИЛАДИ

Жиззах вилояти, Шароф Рашидов туманидаги «Ёйилма» маҳалласида истиқомат қилувчи Дилора Аҳмедова қизи ва набираси тақдирини ўйлаганида юрагига оғриқ киради. Чунки фарзандининг оиласи бузилган. Уларни яраштириб қўйишга кўп ҳаракат қилишди, аммо барча уринишлар зое кетди.

Бу ҳам етмаганидек, собиқ қуёв ёлчи-тиб алимент тўламаяпти. Шу боис аёл фуқаролик ишлари бўйича Жиззах туманлараро судига мурожаат қилишга мажбур бўлди. 2022 йил 2 февраль куни бўлиб ўтган суд мажлисида Зарбдор тумани «Ёшлик» маҳалласида яшовчи Мирзабек Мамаражабовдан алимент ундириш тўғрисида қарор чиқарилди. Аммо қарздорнинг топиш-тутишидан барака қочдими ёки атай қилдими, мажбуриятни бажаришдан бўйин товлади. Боз устига, Мажбурий ижро бюроси (МИБ) ҳам ишни пайсалга солиб, тўеки куёвга ён босаётгандек бўлди.

Қисқаси, боши қотиб, не қиларини билмай юрган аёлга танишларидан бири Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерациясининг хотин-қизлар муаммолари бўйича ташкил этилган «1211» рақамли «Ишонч телефони»га қўнғироқ қилишни маслаҳат берди.

Аёл ўша захотиёқ сим қоқди ва кўп ўтмай ўзи кутган натижага эришди. Қасаба уюшмаларининг аралашуви билан МИБ тез ғурбатда ҳаракатга тушиб, қарздор отадан 12 миллион 209 минг 591 сўм миқдоридagi алимент пулини тўлиқ ундириб берди.

Дарвоқе, энди Дилора Аҳмедова бошига ташвиш тушса, кимга суяниши ва қаерга мурожаат қилиши кераклигини жуда яхши билади.

Алижон АБДУСАТТОРОВ
«ISHONCH»



Ёз–2026

МАРОҚЛИ ТАЪТИЛ – БАХТЛИ БОЛАЛИК ГАРОВИ

Бугун оромгоҳлар шунчаки ҳордиқ чиқариш ва вақт ўтказиш манзили эмас, балки болаларнинг яширин иқтидорини юзага чиқарадиган, уларнинг орзу ва интилишларига қанот бағишлайдиган, замонавий билим ва амалий кўникмаларни шакллантирадиган ҳақиқий тарбия ҳамда ижод масканига айланди.

Бухоро шаҳридаги «Заковат» оромгоҳи ана шундай ибратли масканлардан бири. Бу ерга келганлар болаларнинг бегубор кулгиларини, улар мусобақалар ва ижодий жараёнлар билан бандлигини кўриб, беихтиёр болалигига қайтгандек бўлади. Тўғарақлар замон талабларига мослиги билан ажралиб туради. Робототехника хоналарида болалар ўз қўллари билан мураккаб роботларни йиғиб, уларни дастурлаш асосларини пухта эгалламоқдалар. Подкаст ва медиа хоналари эса бўлажак журналист ҳамда суҳандонлар учун эркин мулоқот, сахна маданияти ва фикрини эркин ифода этиш майдонига айланган. Караоке ва санъат бурчакларида ўқувчиларнинг мусиқий диди шаклланиб, жамоа олдида ўзини тутиш кўникмалари

ривожланаётган бўлса, қум, кулолчилик ва LEGO ижодий майдончаларида болалар миллий ҳунармандчилик анъаналаридан баҳраманд бўлиш билан бирга, ўз орзуларидаги шаҳар лойиҳасини яратмоқдалар.

– Бу ерда ҳар бир куним мароқли ўтмоқда. Бадактарбия, турли тўғарақлар ва кечки мусиқий дастурлар вақтимиз мазмунли ва шод ўтишини таъминлайди. Энг асосийси, қўлаб янги дўстлар орттирдим. Кўргазмаларда қатнашдим, бу эса келажакда қасб танлашда ҳам менга туртки берди. Архитектор бўлишни ният қилдим, – дейди Малик Гулов.

Жорий мавсумда вилоятимиздаги «Ижтимоий химоя ягона реестри»га киритилган оилаларнинг 1500 нафардан ортиқ аълочи фарзанди бепул соғломлаштирилмоқда. Бу

ишлар болалар учун оромгоҳнинг нафақат таътил манзили, балки меҳр, эътибор ва рағбат тимсолига айланишига хизмат қилади.

Бу йил вилоятимизда 11 та стационар ва 133 та кундузги оромгоҳ фаолият юритиб, уларда 20 минг 100 нафар ўқувчи-ёшнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши режалаштирилган. Барча масканларда хавфсизлик, сифатли тиббий хизмат, овқатлантириш ҳамда маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари юқори савияда йўлга қўйилган. Шу билан бирга, оромгоҳлар билан қамраб олинмаган болалар ҳам эътибордан четда қолгани йўқ. Шаҳар ва туманлардаги «Келажак марказ»лари, мусиқа ва санъат мактаблари ҳамда маҳаллаларда китобхонлик, спорт, ахборот технологиялари ва маданият йўналишларида турли тўғарақлар узлуксиз ишлаб турибди.

Адолат АКРАМОВА,
Ўзбекистон қасаба уюшмалари
Федерациясининг Бухоро вилояти кенгаши
раиси ўринбосари

Наманган шаҳридаги 3-техникум ходимлари Фотима Каримжонов ва Зухра Каримжонов меҳнат шартномаларини бекор қилиш ҳақидаги буйруқларни ғайриқонуний деб топиш, ишга тиклаш, мажбурий прогул даври учун иш ҳақи ҳамда маънавий зарар ундиришни сўраб фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судига мурожаат қилган.

«БУЙРУҚНИ БЕКОР ҚИЛДИК» – МАСАЛА ҲАЛ БЎЛДИМИ?

Суд муҳокамасида иш берувчи ходимлар билан тузилган меҳнат шартномаларини тугатиш ҳақида буйруқлар чиқаргани, кейинчалик эса уларни бекор қилгани аниқланди. Жумладан, Фотима Каримжонов билан тузилган меҳнат шартномасини тугатиш тўғрисидаги буйруқ ўз кучини йўқотган, деб топилиб, унинг меҳнат фаолияти янги ташкил этилган ўқув гуруҳларидаги машғулотлар якунига қадар соатбай ҳақ тўлаш шарти асосида давом эттирилган. Зухра Каримжонов эса аввалги вазифасига тикланган. Мазкур ҳолатлар суд ҳужжатида ҳам қайд этилган.

Тўғри, «Ходим ишга тикланибди, муаммо бартараф этилибди-ку», дейиш ҳам мумкин. Аммо ишга тиклангунича у даромадсиз қолгани, ноқонуний қарор туфайли руҳий босим ва маънавий зарар кўрганини ҳам эътиборга олиш керак.

Меҳнат қонунчилигига кўра, шартнома ғайриқонуний равишда бекор қилинса, ходимга мажбурий прогул даври учун тегишли тўловлар ундирилади. Иш берувчининг хатти-ҳаракатлари маънавий ёки жисмоний азоб келтириб чиқарган бўлса,

маънавий зарар учун ҳам компенсация талаб қилиш мумкин.

Шу боис «Буйруқ чиқардим, кейин бекор қилдим – масала ёпилди», деган ёндашув ҳуқуқий жиҳатдан асоссиз. Ноқонуний қарор бекор қилиниши мумкин, аммо унинг оқибатлари ўз-ўзидан йўқолиб кетмайди.

Бу ишнинг яна бир муҳим томони – ходимлар ўз ҳуқуқини химоя қилишдан қўчимаган. Улар судга мурожаат қилиб, нафақат ишга тикланишни, балки етказилган зарарнинг қопланишини ҳам сўрашган.

Амалиётда эса қўлаб ходимлар ўз ҳуқуқларини етарлича билмаслиги, иш берувчи билан муносабат бузилишдан ёки кейинчалик бошқа иш тополмай қолишдан хавотирлангани учун адолатсиз қарорга қўнади.

Бироқ меҳнат муносабатларида ходим химоясиз қолмайди. Низо туғилганда уни қонуний ҳал этиш, бузилган ҳуқуқни тиклаш ва етказилган зарарни қоплаш учун аниқ механизмлар мавжуд.

Шу боис ходимни ишга қабул қилишда меҳнат шартномасини тўғри расмийлаштириш, унинг мuddатини қонун талабларига мувофиқ белгилаш, ишдан бўшатилиш асосла-

рини пухта текшириш ва ходимни белгиланган тартибда оғоҳлантириш иш берувчининг мажбуриятидир.

Бу талабларга бепарво муносабат қимматга тушиши мумкин. Чунки ноқонуний қарор оқибатида иш берувчи мажбурий прогул учун ҳақ тўлаши, маънавий зарарни қоплаши ва бошқа молиявий мажбуриятларни зиммасига олиши эҳтимолдан холи эмас.

Суд қарорига кўра, Наманган шаҳридаги 3-техникумдан Фотима Каримжонов фойдасига мажбурий прогул учун 6 миллион 772 минг 633 сўм, маънавий зарар учун 3 миллион 386 минг 316 сўм – жами 10 миллион 158 минг 949 сўм ундирилиши белгиланган.

Зухра Каримжонов фойдасига эса мажбурий прогул учун 18 миллион 996 минг 517 сўм, маънавий зарар учун 6 миллион 332 минг 172 сўм – жами 25 миллион 328 минг 689 сўм ундирилиши лозим топилган. Бундан ташқари, жавобгардан давлат фойдасига 1 миллион 854 минг 766 сўм давлат божи ҳам ундирилган.

Шундай қилиб, меҳнат қонунчилигидagi хатонинг молиявий оқибати қарийб 37 миллион сўмни



Қасаба уюшмаси аралашгач...

ХОДИМНИНГ МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ ТИКЛАНДИ

Баъзан ходим ўз ҳақ-ҳуқуқини билмагани ёки курашишга журъат топмагани сабабли ўзига қонуний тегишли маблағларни ҳам ололмай қолади. Ана шундай вазиятларда қасаба уюшмаларининг ҳуқуқий кўмаги адолат қарор топишига хизмат қилмоқда.

Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани тиббиёт бирлашмасида патронаж ҳамшираси бўлиб ишлаган Барфи Жабборов ва ўзининг фойдаланилмаган меҳнат таътили учун тўлов нотўғри ҳисоблангани ва унинг тўланиши кечиктирилгани юзасидан Соғлиқни сақлаш ходимлари қасаба уюшмаси вилоят кенгашига мурожаат қилди.

Мурожаат ўрганилганда, ходимга 2017–2023 йиллардаги фойдаланилмаган меҳнат таътили учун тўлов амалга оширилган бўлса-да, ҳисоб-китоб амалдаги қонунчилик талабларига мувофиқ эмаслиги, натижада ходимнинг ҳуқуқлари бузилгани маълум бўлди.

Қасаба уюшмаси томонидан фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига даъво аризаси киритилгач, кам тўланган таътил пули, тўлов кечиктирилгани учун компенсация ҳамда маънавий зарар ҳисобидан жами 16 миллион 815 минг 959 сўм ундириш белгиланди. Бугунги кунда ушбу маблағ Б.Жабборов ва ҳисобига тўлиқ ўтказилди.

Мазкур ҳолат меҳнат ҳуқуқларини химоя қилишда қасаба уюшмаларининг иштироки самара бераётганининг яна бир тасдиғидир.

Маржона ҲАЙИТБОЕВА
Сирдарё вилояти

Анваржон ҲАЛИМОВ
«ISHONCH»



САВОЛ: Интернет тармоқларида беҳаё сўзлар билан сўкинганларга қандай жазо бор? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

Севара БУРҲОНОВА
Фарона вилояти

ОНЛАЙН «ОҒЗИ БОТИРЛАР»ГА ЖАЗО БОРМИ?

ЖАВОБ: Ҳуқуқий нуқтаи назардан олиб қараганда, умумфойдаланиш воситаси бўлмиш интернет тармоқларида уятли, беҳаё сўзлар билан сўкинишдан иборат ҳаракатлар жамиятга ўта ҳурматсизлик ҳисобланади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс талабларига мувофиқ, интернет тармоқларида беҳаё сўзлар билан сўкинишларни тарқатиш майда безорилик, бошқаларга ҳақоратомуз шилқимлик қилиш ҳамда жамоат тартибини ва фуқароларнинг оқилолигини бузувчи хатти-ҳаракатлар жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимаслик, деб тавсифланиши мумкин. Бу базавий ҳисоблаш миқдорининг уч барабаридан беш баравари-гача жарима солиш ёки ўн беш суткагача маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади.

Уятли, беҳаё сўзлар билан сўкинишлар шахс томонидан интернет тармоқлари орқали амалга оширилган шахсий ёзишмаларда ишлатилган ҳолатларда ҳам жавобгарликни келтириб чиқариши мумкин. Хусусан, бундай ҳаракатлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-моддасига мувофиқ, ҳақорат қилиш, яъни шахнинг шаъни ва қадр-қимматини қасдан камситиш, деб баҳоланади ва базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма барабаридан қирқ баравари-гача жарима солишга сабаб бўлади.

Интернет тармоғида содир этилган майда безорилик ёки ҳақоратдан иборат ҳаракатлар SMS кўринишида, «Телеграм» хаволаси орқали юборилган ёзувлар шаклида ёки видео форматида бўлиши мумкин ва уларни дарҳол далил сифатида қайд қилиб олиш керак. Ушбу далилларни илова қилган ҳолда тегишли чора кўришни сўраб, ҳудудий ички ишлар органига ёки прокуратурага ариза билан мурожаат қилиш лозим.

Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими

Худди эртага ўладигандек яша, абадий яшайдигандек ўрган.
Махатма ГАНДИ

НУРАФШОН: КЕЛАЖАК САРИ ДАДИЛ ҚАДАМЛАР БИЛАН



2020 йилда хизмат тақозоси билан Нурафшон шахрига кўчиб келиб, вақтинча ижарада яшай бошладик. Бу шахар Тошкент вилоятининг маъмурий маркази ҳисобланса-да, очиги, дастлабки таассуротларимиз унчалик ёрқин бўлмаган. Чунки икки томони пастқам уйлар билан ўралган тор кўчалар, таъмирталаб йўллар ва ҳаддан ташқари сокин муҳит бу ерни вилоят марказидан кўра, кўпроқ чекка бир шахарчага ўхшатарди. Ўшанда орадан беш-олти йил ўтиб, Нурафшон тубдан ўзгаришини тасаввур қилиш ҳам қийин эди.

Аммо вақт ўтиши билан шахар ўзгарди. Ҳар куни кўз ўнгимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари Нурафшонга мутлақо янги қиёфа бахш этди. Кенг ва равон йўллар ётқизилди, яшил боғлар барпо этилди, замонавий бинолар қад ростлади. Кўп ўтмай, шахарнинг эртанги кунига ишончимиз ортиб, шу ердан хонадон сотиб олишга қарор қилдик.

Бугун Нурафшон озода ва замонавий шахар сифатида таассурот уйғотади. Лекин уни беш йил аввалги ҳолати билан солиштирганлар ўзгаришлар қай суръатда кечганини жуда яхши билишади. Равон кўчалар, соя-салқин ҳудудлар, замонавий иншоотлар ва аҳоли дам оладиган масканлар шахарга мутлақо янги рух ва файз бағишлади.

**ШАҲАРНИНГ ЭРТАСИ
БУТУНДАН БОШЛАНМОҚДА**
Албатта, бундай улкан ўзгаришлар ўз-ўзидан юз бергани йўқ. Сўнгги йилларда Президент Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан Тошкент вилоятини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган кенг қўлмали ислохотлар амалга оширилди. Давлат раҳбари таъкидлаганидек, иқтисодий салоҳияти юқори бўлган вило-

ятнинг замонавий маъмурий марказини шакллантириш давр талаби эди. Шу мақсадда Нурафшон мутлақо янги концепция асосида қайта барпо этила бошланди.

Ташрифнинг энг муҳим воқеаларидан бири – Ўртачирчиқ туманида Тошкент–Самарқанд пуллик муқобил автомагистрални қурилишига тамал тоши қўйилгани бўлди. Узунлиги 282 километр бўлган мазкур йўл фойдаланишга топширилгач, Тошкентдан Самарқандгача бўлган йўлга кетадиган вақт қарийб 5 соатдан 2,5 соатгача қисқаради. Мазкур йўл бўйлаб логистика марказлари, сервис хизматлари ва туристик инфратузилма объектиларнинг барпо этилиши эса бутун минтақа иқтисодиёти учун янги имкониятлар яратади.

Сўнгги беш йилда шахарда аҳоли учун қулай ва фаровон яшаш муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. «Янги Ўзбекистон» ва «Ватанпарвар» боғлари, Зулфия Зокирова хотира мажмуаси, сунъий қўл, амфитеатр, фавворалар, шу-

нингдек, велосипед ва пиедалар йўлак-лари қурилди. Бугун Нурафшон шунчаки давлат идоралари жойлашган маъмурий марказ эмас, балки оила билан сайр қиладиган, фарзандлар билан мазмунли хордик чиқарадиган ва меҳмонларни фахр билан таклиф этадиган замонавий масканга айланди.

Шаҳарнинг келажаги эса «Ақлли шахар» (Smart City) концепцияси асосида барпо этилмоқда. Рақамли бошқарув, интеллектуал транспорт тизимлари, энергия тежовчи технологиялар ва экологик ечимларнинг босқичма-босқич жорий этилаётгани Нурафшоннинг нафақат бугуни, балки эртанги куни ҳам пухта режалаштирилаётганидан далолат беради.

Улкан ўзгаришлар транспорт инфратузилмасида ҳам яққол кўзга ташланади. Жорий йилда Президент иштирокида Тошкент-Нурафшон йўналишидаги замонавий йўл ўтказгич фойдаланишга топширилди. Кўприк, ер ости йўли, пиедалар ўтиш жойлари, велосипед йўлаклари ва янги автобус бекатларини ўз ичига олган мазкур лойиҳа тирбандликни камайтириб, аҳолининг кундалик қатновини анча енгиллаштиради.

Нурафшон иқтисодий жиҳатдан ҳам

тобора мустаҳкамланиб бор-моқда. Сўнгги йилларда Тошкент вилоятига жалб қилинган йирик инвестициялар, янги корхоналарнинг ишга туширилиши ва экспорт ҳажмининг ортиши шахардаги иқтисодий фаолликни янги босқичга олиб чиқди. Бугун Нурафшон инвестициялар, ишбилармонлик ва хизмат кўрсатиш соҳалари жадал ривожланаётган муҳим нуқталардан бирига айланмоқда.

**22 ИЮЛЬ – НУРАФШОН
ТАРАҚҚИЁТИДАГИ
НАВБАТДАГИ БОСҚИЧ**

Айнан шу куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг Нурафшонга навбатдаги ташрифи шахар тараққиётида яна бир муҳим босқич бўлди. Ташриф давомида амалга оширилган ишлар кўздан кечирилиб, келгусидаги устувор йўналишлар белгилаб берилди.

Давлат раҳбари дастлаб Тошкент-Нурафшон йўналишида қурилган замонавий йўл ўтказгич билан танишди. Таъкидланганидек, мазкур иншоот ҳаракат хавфсизлиги ва транспорт оқимини яхшилабгина қолмай, келажақда пойтахт билан Нурафшонни ягона замонавий агломерация сифатида боғлашга хизмат қилади. Шунингдек, жамоат транспортини ривожлантириш ва тезуяр автобуслар (BRT) тизимини жорий этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ташрифнинг энг муҳим воқеаларидан

Янгиладанаётган юрт

бири – Ўртачирчиқ туманида Тошкент – Самарқанд пуллик муқобил автомагистрални қурилишига тамал тоши қўйилгани бўлди. Узунлиги 282 километр бўлган мазкур йўл фойдаланишга топширилгач, Тошкентдан Самарқандгача бўлган йўлга кетадиган вақт қарийб 5 соатдан 2,5 соатгача қисқаради. Мазкур йўл бўйлаб логистика марказлари, сервис хизматлари ва туристик инфратузилма объектиларининг барпо этилиши эса бутун минтақа иқтисодиёти учун янги имкониятлар яратади.

Президент «Янги Ўзбекистон» боғи худудида барпо этилаётган объектиларни ҳам кўздан кечирди. Бу ерда Маданият саройи, Сунъий интеллект маркази, Ахборот-ресурс кутубхонаси ва «Ешлар шахарчаси» қурилмоқда. Ушбу иншоотлар Нурафшонни нафақат маъмурий марказ, балки илм-фан, маданият ва инновациялар масканига айлантириши таъкидланди.

Шунингдек, тақдим этилган «Nurafshon Business City» лойиҳаси доирасида вилоят ҳокимлигининг янги биноси, кўп тармоқли тиббиёт маркази, Тошкент давлат техника университети филиали, давлат архиви ҳамда «Келажақ маркази» қурилиши режалаштирилган. Бу лойиҳалар шахарда юқори малакали кадрлар тайёр-

Бугун Нурафшон озода ва замонавий шахар сифатида таассурот уйғотади. Лекин уни беш йил аввалги ҳолати билан солиштирганлар ўзгаришлар қай суръатда кечганини жуда яхши билишади. Равон кўчалар, соя-салқин ҳудудлар, замонавий иншоотлар ва аҳоли дам оладиган масканлар шахарга мутлақо янги рух ва файз бағишлади.

лаш, аҳолига замонавий хизматлар кўрсатиш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

ЎЗГАРИШЛАР ДАВОМ ЭТАДИ
Президент ташрифи давомида қурилиш сифатини ошириш, яшил ҳудудларни асраш, сув ва энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда рақамли бошқарувни янада кенгайтириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифалар Нурафшоннинг келгуси тараққиётини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

2020 йилда бу шахарга илк бор келганимизда, унинг шу қадар тез суръатлар билан ўзгаришини тасаввур қилиш қийин эди. Бугун эса Нурафшон кўз ўнгимизда янгиладана келди. Демак, шахарнинг эртанги қиёфаси бугунгидан ҳам замонавийроқ, яшилроқ ва қулайроқ бўлади.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»

Ўзбекистон ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитасига!

СУД ҚАРОРИ ИЖРОСИ КЕЧИКМОҚДА

Иш жойида бахтсиз ҳодиса содир бўлса, иш берувчининг биринчи вазифаси жабрланган ходимга елка тутиш, қонун талабларига мувофиқ унинг ҳуқуқларини таъминлашдан иборат бўлиши керак. Афсуски, ҳаётда бу қоида ҳамisha ҳам ишлайвермайди. Баъзан инсонни огир жароҳат эмас, балки бефарқлик, сукут ва ойлаб адолат қутутиш кўпроқ азоблайди.

Пастдаргом тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимининг «Қоқсой» участкаси мудири Сайдулло Пўлатов ана шундай вазиятга дуч келди. 2024 йил 11 апрель куни у хизмат вазифасини бажараётган эди. Аҳоли қорамолларини қуйдирги касаллигига қарши эмлаш жараёнида молнинг тегиши натижасида боши билан бетонга қаттиқ йиқилди. Ҳушидан кетиб, огир тан жароҳати олди.

Бу оддий ҳолат эмас, балки иш вақтидаги бахтсиз ҳодиса сифатида расмийлаштирилди. Узоқ даволанишлар, шифохоналар, жароҳлиқ муолажалари... Оқибатда Тиббий-меҳнат эксперт комиссияси унга II гуруҳ

ногиронлиги ҳамда касбий меҳнат қобилиятининг 70 фоизини йўқотгани ҳақида ҳулоса берди.

Ҳақиқий синовлар шундан кейин бошланди. Жабрланган ходим иш берувчиси қонун талаблари доирасида қўмақ кўрсатади, деб хом ўйлаган экан. Амалда ёрдам ўрнига сукут ҳукм сурди. Ачинарлиси, туман ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими раҳбарияти қонун талабларини ўз вақтида бажариш ўрнига томошабин «роли»ни бажарди. На бир марталик нафақа, на соғлиққа етказилган зарар учун товон пулидан дарак бўлди.

Очиғини айтганда, инсон саломатлигини йўқотган бир пайтда уни ёлғиз

қолдириш меҳнат қонунчилигида белгиланган ижтимоий масъулиятга нисбатан лоқайд муносабатдан бошқа нарсаси эмас.

Меҳнати сингган жамоадан садо чиқмагач, Сайдулло Пўлатов 2025 йил 17 ноябрда касаба уюшмаларига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Масала атрофлича ўрганилди. Ҳодиса ҳолатлари, гувоҳлар кўрсатмалари ва барча ҳужжатлар таҳлил қилинган, иш берувчига қонунчилик талабларини бажариш юзасидан мажбурий кўрсатма киритилди.

Аммо бу кўрсатма ҳам раҳбариятнинг кўзга-толмади. Қонун талабини ихтиёрий бажариш билан ечим топадиган масала судгача олиб чиқилди. Бунга кетган вақт, асаб, саломатлик ва маблаг сарфини-ку, қўяверинг. Ниҳоят, жорий йил 26 май куни фуқаролик ишлари бўйича Каттақўрғон туманлараро суди ишни кўриб чиқиб, аниқ ва равшан қарор қабул қилди. Суд қарорига кўра, Паст-

«Ishonch» САВОЛИ

даргом тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими Сайдулло Пўлатовга камилда бир йиллик иш ҳақи миқдорида бир марта тўланадиган нафақани ҳамда меҳнат қобилиятининг 70 фоизи йўқотилган учун ойма-ой товон пулини тўлаши шартлиги белгилаб қўйилди. Қонун ўз сўзини айтди.

Буни қарангки, орадан қанча фурсат ўтса ҳам, Пастдаргом тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимида ҳамон сукунат. Суд қарори ижроси кечикмоқда. Ҳам моддий, ҳам руҳий, ҳам жисмоний жароҳат олган инсон яна эшикма-эшик юришга мажбур бўлмоқда...

Мутасаддилар суд қарорини ижро этиш ихтиёрга боғлиқ масала ёхуд тавсия эмас, балки қонун талаби эканлигини нахотки билан билишмаси? Бу машаахал ветеринария ва чорвачилик тизимининг вилоят ва республикадаги мутасаддилари не деркин?

Нурилла ШАМСИЕВ
«ISHONCH»

БЕШАРИҚ ТУМАНИДА КАНАЛИЗАЦИЯ МАСАЛАСИ ҚАЧОН ҲАЛ ЭТИЛАДИ?

Маълумотларга кўра, Бешариқ туманида канализация тармоғи билан қамров даражаси атиги 3 фоизни ташкил этади. Ушбу кўрсаткич ҳам асосан янги қурилган кўп қаватли уйлардаги локал тизимлар ҳисобига тўғри келади. Бу дегани, туман аҳолисининг 97 фоизи марказлашган канализация хизматидан маҳрум. Бу шунчаки рақам эмас, балки минглаб оилаларнинг ҳар кунги машаққати ва турмуш ноқулайлиги демакдир. Айниқса, туманнинг «Халқлар дўстлиги» маҳалласидаги кўп қаватли уйлар атрофидаги ахвол жуда ачинарли. Марказлашган тармоқ бўлмагани сабабли чиқинди сувлар уйлар ёнида қазилган очиқ ҳандақларга оқизилмоқда. Бу ҳолат нафақат бадбўй ҳид манбаига айлانган, балки жиддий санитария ва экологик хавфни келтириб чиқармоқда.

Шу ерда яшовчи аҳоли вакиллариининг айтишича, ёзининг иссиқ кунларида бадбўй ҳид кенг тарқалар ва нафас олиш қийинлашар экан. Бу ҳолат фуқаролар саломатлигига ва кундалик ҳаётига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳовли-жойларда яшовчи аҳоли ҳам иложсизликдан ўз имконияти даражасида қўлбола оқова чуқурлари қазига мажбур бўлмоқда. Аҳоли сони жадал ўсиб бораётган ҳудуд учун бунга оқибатда қазилган очиқ ҳандақларга қўйилган оқова сувлар вақт ўтиши билан тупроқнинг чуқур қатламларига сингиб, ерости сувларига аралашishi мумкин. Бу эса аҳоли истеъмол қиладиган тоза ичимлик суви манбаларининг ифлосланишига ҳамда турли юқумли касалликлар тарқалишига олиб келиши ҳеч гап эмас. Мазкур масалага

марказлашган канализация тизимини жорий этиш орқали ечим топиш мумкин. Юзага келган вазият юзасидан бир қатор совоқлар туғилади: 250 минг аҳоли яшайдиган туманда нега ҳанузгача марказлашган канализация тизимини йўқ? Масъул ташкилот ва идоралар томонидан Бешариқ туманида канализация тармоғини барпо этиш бўйича муайян дастур ёки манзили лойиҳалар ишлаб чиқилганми? Агар шундай режалар мавжуд бўлса, уларни амалга ошириш ишлари қачон бошланади?

Бешариқ тумани аҳолиси йиллар давомида тўпланиб қолган ушбу ҳаётини масала бўйича масъул идора ва мутасаддилардан аниқ ва асосли жавоб олишга тўла ҳақли.

Жамшид ЭРТАШЕВ
«ISHONCH»

4

Кино ва сериаллар фақат томошабин-нинг ҳордигини чиқариш учун яра-тилмайди. Улар миллионлаб инсонлар дунёқараши, диди ва қадриятларига таъсир кўрсатадиган кучли маданий омилдир. Экрандаги ҳар бир сюжет, образ ва жумла томошабин онгида муайян қарашларни шакллантиради. Шу боис санъатнинг жамият олди-даги масъулияти ҳақида сўз кет-ганда, фильмлар мазмунига бефарқ қараб бўлмайди.

Сўнгги йилларда айрим сериал-лар ва новеллаларда қайта-қайта учраётган бир ҳолат кўпчиликни ташвишга соляпти. Аёл гоҳ қиморга тикилади, гоҳ қарз эвазига гаровга бе-рилади, гоҳ эркаклар ўртасидаги мо-жаронинг «мукофоти» ёки «жазоси»га айланади.

Яқинда шундай саҳналардан бирига кўзим тушиб қолди. Унда бир эркак хо-тинини ютқазиб, қиморбозларга олиб бориб беради. Яна шунга ўхшаш ҳолат-ларни қидирганимда улар кўп эканига гўвоҳ бўлдим. Бирида эркак хотинини ютқазгач, унга яхши кўришини ай-тиб, сочини қирқса, яна бирида ота қи-зини бой беради... Бундай кўринишлар экранларда бот-бот такрорланаверса, аёл қадри, шахсияти ва ҳуқуқларини менсимаслик томошабин онига муҳр-либ қолмасикин, деган ўйга ҳам бо-расиз.

Тўғри, бундай саҳналар кўпинча шов-шув уйғотиш, томошабинни ҳай-ратга солиш ёки рейтингни ошириш мақсадида қўшилади. Аммо эъти-борни торттиш ёки кульминация яра-тиш мақсадида аёлни ҳақоратлаш, қадрини поймол қилиш, унга нисба-тан зўравонликни қайта-қайта маркаи-зий мавзуга айлантириш яхшиликка хизмат қилмайди.

Ҳўш, айрим режиссёр ва сцена-ристлар драматизм яратишнинг энг осон усули сифатида айнан шу йўлни танлаётганини қандай изоҳлаш мум-кин? Ахир кучли драмани инсон қадрини камситмасдан ҳам яратиш мумкин-ку! Санъат нафақат ҳайрат уйғотиши, балки жамиятда соғлом қадриятларни шакллантиришга ҳам хизмат қилиши керак. Йўқса, зўравон-лик, таҳқирлаш каби саҳналар вақт ўтиши билан оддий воқеа сифатида қабул қилина бошлайди.

Инсон ҳулқ-атвори жуда мураккаб. Унга оила, тарбия, муҳит, таълим ва шахсий қадриятлар биргаликда таъ-сир кўрсатади. Бироқ оммавий ах-борот воситалари инсон тасаввур-лари, ҳаётий қарашлари ва муайян ҳодисаларга муносабатини шакллан-тиришда муҳим ўрин тутади.

Ёш томошабинлар учун экран кучли тарбия воситасига айланиши мумкин. Бола ёки ўсмир воқеаларни ҳар доим ҳам танқидий таҳлил қила олмайди. Агар у бир хил мазмундаги сюжетларни мунтазам томоша қилса, бундай воқеаларга одатий ҳол деб қа-рай бошлаши мумкин. Шу боис се-риал муаллифлари «бу шунчаки ба-дийий тўқима», деган ваз билан ўз масъулиятидан бутунлай воз кеча ол-майди.

Айримлар бундай саҳналарни «ха-ётда ҳам шундай воқеалар учрайди», деган фикр билан оқлашга уринади. Дарҳақиқат, ҳаётда жиноятлар, зўра-вонлик, инсон шаънини топтовчи ҳо-латлар бор. Улар ёритилишга ҳақли. Аммо масала воқеанинг қандай тас-вирланишида. Агар саҳна жиноят фо-жиасини очиб берса, жабрланувчи дардини ҳис қилдирса ва томоша-бинда адолат туйғусини уйғотса, у ба-дийий мақсадга хизмат қилади. Агар бундай ҳолатлар шунчаки ҳайратга солиш ёки рейтинг орттириш восита-сига айланса, санъат ўзининг тарбия-вий вазифасидан узоклаша бошлайди.

Яна бир муҳим жиҳат бор. Нега



АЁЛ ҚАЧОНГАЧА СЮЖЕТ ҚУРБONI БЎЛАДИ?

айрим сериалларда аёл кўпинча сю-жетни ҳаракатга келтирувчи «восита» сифатида намоён бўлади? Нега унинг илмий ютуғи, касбий муваффақияти, жасорати ёки маънавий кучи эмас, айнан ҳўрланиши ва жабрланиши воқеалар марказига чиқарилади? Бу савол фақат сценарий масаласи эмас. Бу ижодкорнинг инсон ҳақидаги та-саввурига ҳам боғлиқ.

Аслида ҳаётда минглаб фидойи ши-фокор опа-сингиллар олимиз, илм-фан билан шуғулланаётган олимлар, кела-жак авлодни тарбиялаётган устозлар, тадбиркорлар, спортчилар ва ихтиро-чилар бор. Нега уларнинг ҳаёти сери-алларга мавзу бўлмаслиги керак? Дра-матизм яратиш учун, албатта, ҳўрла-ниш, хиёнат ёки аёл кадр-қимматини поймол қилиш шартми?

Дунёда катта муваффақият қо-зонган кўплаб фильмлар инсоннинг ички қураши, илмий изланишлари, тарихий воқеалар, ватанпарварлик, касбий фидойилик ва ахлоқий тан-ловлар ҳақида ҳикоя қилади. Демак, юқори рейтинг учун ахлоқий чегара-ларни бузиш шарт эмас.

Яна бир гап. Агар мазмунли, си-фатли ва инсон қадрини улуғлайди-ган асарлар қанчалки қўллаб-қувват-ланса, ижодкорлар ҳам ушбу йўна-лишда шунчалик кўпроқ ишлашга интилади. Аксинча, фақат шов-шувли сюжетлар талаб қилинса, ишлаб чиқа-рувчилар ҳам айнан шундай маҳсу-лотларни кўпайтиришга ҳаракат қи-лади.

– Ўзбекистонда йилига ўртача 80-100 та сериал ишлаб чиқарилади. Шундан атиги ўн-ўн бештаси Кинема-тография агентлиги иштирокида тай-ёрланади. Қолгани давлат ва нодавлат телеканаллари ҳамда хусусий сту-диялар томонидан суратга олинади. Демак, агентлик мамлакатда ишлаб чиқарилаётган сериалларнинг атиги ўн фоизини назорат қилади, қарийб тўқсон фоизи унинг ваколатига кир-майди. Шу боис уларнинг мавзуси, мазмуни ва бадийий савиясига арала-шиш қонунчилик нуқтаи назаридан нотўғри бўларди. Акс ҳолда, бу цен-

зура ёки тадбиркорлик фаолиятига аралашиш сифатида баҳоланади, – дейди Кинематография агентлиги бош мутахассиси Абдулла Чимирзаев.

Унинг қайд этишича, агентлик ҳамкорлигидаги сериаллар мавзуси Президентимизнинг 2021 йил 7 апрел-даги тегишли фармони асосида бел-гиланади. Давлат субсидияси ҳисо-бидан тайёрланадиган сериаллар мавзуси, асосан, давлат органлари ва ташкилотларнинг ижтимоий аҳамиятга эга тақлифлари асосида шакллантирилади. Жумладан, хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ватандошларимиз хотирасига бағишланган, болаларнинг хавфсиз-лик кўникмаларини шакллантирувчи ёки маънавий-маърифий мазмундаги сериаллар шулар жумласидан.

Лойиҳаларга келсак, аввало, очиқ танлов эълон қилинади. Телеканал-лар томонидан тақдим этилган си-нопис, концепция, презентация ва сметалар ишчи гуруҳ томонидан қа-бул қилиниб, экспертлар гуруҳига юборилади. Шундан кейин лойиҳа-лар бадийий кенгаш, экспертлар гу-руҳи, МТРК, Миллий медиа бирлаш-маси ҳамда Республика Маънавият ва маърифат маркази вакиллари ишти-рокида пичтнинг асосида кўриб чиқи-лади. Ҳолиб деб топилган сценарий-лар яна бир бор экспертлар ва бадийий кенгаш муҳокамасидан ўтказилади. Ижобий ҳулоса берилгач, агентлик билан телеканал ўртасида ҳамкорлик шартномаси тузилиб, лойиҳа молия-лаштирилади.

Ишлаб чиқариш жараёни доимий мониторинг қилинади. Тайёр сериал-лар экспертлар кўригидан ўтгач, Ўзбе-кистон миллий кинофонди архивига топширилади. Эфирга узатилганидан сўнг томошабинлар қамрови ва сама-радорлиги бўйича таҳлиллар олиб бо-рилади.

– 2021-2022 йилларда ҳар йили биттадан сериал ишлаб чиқарилган бўлса, кейинги йилларда бу кўрсат-кич кескин ошди, – дейди А.Чимир-заев. – 2021-2026 йиллар давомида 10 та телерадиоканал билан ҳамкорлик

ўрнатилиб, 40 та сериал лойиҳаси амалга оширилди. Бу жараён дав-лат-хусусий шериклик механизмини мустаҳкамлаб, миллий сериаллар ишлаб чиқаришда рақобат муҳитини шакллантиришга хизмат қилди. Жо-рий йилда олтита янги сериал лой-иҳаси ишга туширилди. Уларнинг бадийий савияси аввалги йилларга нисбатан юқори. Шулардан бири – «Dasturxon TV» телеканали билан ҳам-корликда суратга олинаётган «Ётти академик аёл» сериали бўлиб, асарда қишлоқда вояга етган журналист қиз тақдири орқали илм-фан ривожига катта ҳисса қўшган етти нафар акаде-мик аёлнинг ҳаёти ва илмий мероси ёритилади. Сериал ёшларда, айниқса, қизларда илм-фанга қизиқиш, билим олишга интилиш, меҳнатсеварлик ва ватанпарварлик туйғуларини му-стаҳкамлашга хизмат қилади.

Умуман, Кинематография агент-лиги ҳамкорлигида яратилаётган ай-рим сериаллар мазмуни ва бадийий са-вияси бошқаларидан ажралиб туради. Аммо бир-икки яхши асар бутун экран муҳитини ўзгартира олмайди. Бунинг учун ижодий мезон, бадийий масту-лият ва инсон қадрига муносабат ян-гиланиши керак.

Экранда аёл доимо ҳўрланган, ожиз ёки бировнинг иродасига қарам ҳолда намоён бўлаверса, томошабин онгида ҳам унинг қадри шу тор қолип ичида қабул қилина бошлайди. Зўравон-ликнинг қайта-қайта кўрсатилиши эса уни қоралаш ўрнига одатий воқе-ликка айлантириб қўйиши мумкин.

Санъатнинг ҳақиқий қудрати ин-сон қадрини англатишда намоён бўлади. Миллий кино ҳам томоша-бинни фожиага ўргатмайдиган, зўра-вонликни жўнлаштирмайдиган, ин-сон шаъни ва аёл қадрини юксалти-рувчи маънавий маконга айланиши керак. Чунки жамият нимани экранда кўпроқ кўрса, вақт ўтиб, ўша ҳолатни ҳаётнинг табиий тартиби сифатида қабул қила бошлайди.

Салим АБДУРАҲМОНОВ «ISHONCH»

Агар бахтли ҳаёт кечиришни истасангиз, одамлар ёки нарсаларга эмас, балки мақсад сари интилинг!

Альберт ЭЙНШТЕЙН

Мулоҳаза

Таҳлил

«ТЎҒИРЛАШ»НИ ТЎҒИРЛАШ ТЎҒИРЛАШ ЭМАС – ТЎҒИРЛАШ

Ижтимоий тармоқларда шундай ёзишмаларга кўп дуч келаман: «Фалон жойда хато кетибди», – «Раҳмат, тўғирлаб қўяман». Аввал «тўғирлаш»ни тўғирланг, би-родар (дегинг келади). «Тўғри» ўзагидан «тўғрила-моқ» феъли ясалади. Эҳтимол, бирор шевада «тўғир-ламоқ» шакли ҳам бўлиши мумкин, аммо мумтоз ада-биётимизда бу шакл учрамайди.

ЎҒИРЛАШ эмас – ТЎҒИРЛАШ «Ўғри»нинг «тўғри»-дан фарқи – унинг феъл шакли: «ўғирламоқ», ле-кин адабий тилда мазкур ўзакдан ясалган отлар: «ўғрилиқ» ҳам, «ўғирлиқ» ҳам тўғри ҳисобланади. «Ўғри» баъзи шеваларда «ўғири» шаклида ҳам та-лаффуз қилинади. Бу хусу-сиятга бир пайтлар Кошға-рий бобомиз ҳам эътибор қилган ва «Девону луғо-тит-турк»да «ўғри»га шун-дай изоҳ берилади: «оғри – ўғри. Аслида ё касрли бўлиши керак эди; энгил-латиб сукун ҳолида та-лаффуз қилинади» (ДЛТ. I том. Т. 1960.147-бет), яъни «ўғри» деганда «ғ» (ё) то-вуши касрли, яъни «ғ»-дан кейин қисқа «и» то-вуши ҳам эшитилиб, ас-лида «ўғири» бўлиши керак экан, лекин энгил-лик учун бу унли қисқариб «ўғри» шаклига келган.

«ОНСОН»дан «ОСОН» ОСОН

Форс тилидан ўзлаш-ган бу сўз форс тилида ҳам – ОСОН, Навоий бобомиз ҳам «эмас ОСОН бу майдон ичра турмоқ», деб ёзган. Менимча, шева таъсирида қарабъзан «осон» ўрнида «он-сон» деб ёзиш ва айтиш ҳоллари учрайди. Қола-верса, «онсон»дан «ОСОН» дейиш осон эмасми?

«ТАЪҚИҚЛАШ»НИ ТАҚИҚЛАШ

Ўзбек тилида айириш (ъ) ёки тутуқ белгиси, одатда, араб тилидан ўз-лашган, «ъайн» («ъ») то-вуши, «ҳамза» («ъ») ва «сукун» каби белгилар иштирок этган сўзларда қўйилади. Мисол: қатъий مَسْئُول, масъул «таъқиқ» تَعْقِيب...

1981 йили чоп этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да «ТАҚИҚ» сўзи арабча ёки бошқа тилдан ўзлашган, деб айтилма-ган. Бу эса сўзнинг бош-қа тилдан ўзлашмаган, соф ўзбекча эканлигини ёки камдан-кам ҳолатда, олимлар сўз этимология-сини аниқлай олмагана-нини билдиради. Аммо 2008 йили чоп этилган «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»-тўртинчи жилдида бунга аниқлик киритилган.

Абдувоҳид ҲАЙИТ

Мароқли дам олинг, азиз газетхон!



Очилбой Матчонов ижросида «Тоҳир ва Зўҳра» достонидан

«СЕВГИЛИ ЖОНОН БАРИ ГАЛ»

Санга тушиди назарим, севгили жонон, бари гал, Сочи мушк исли ифор, сунбул райҳон, бари гал. Гўлбадан гулгул ранги дўни зарафион, бари гал, Ол яноқ, китризи ўқ, олма зараҳтон, бари гал, Жонингиз саёда бўлам, севгили жонон, бари гал.



MUASSIS:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2020-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalarini tahrir hay'ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay'ati raisi),

Ulug'bek JALMENOVI, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfulla AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OIYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV (Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),

Mehridin SHUKUROV (Mas'ul kotib – «Ishonch»),

Valentina MARSENYAK (Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hay'oti – (71) 256-64-69

Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89

Milliy ma'naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43

Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:

Qoraqalpog'iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20

Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23

Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31

Navoiy viloyati – (+998-99) 500-05-12

Jizzax viloyati – (+998-94) 688-00-27

Namangan viloyati – (+998-93) 213-09-66

Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26

Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55

Surxondaryo viloyati – (+998-91) 193-19-70

Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44

Farg'ona viloyati – (+998-99) 889-90-24

Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01

Qashqadaryo viloyati – (+998-97) 705-08-93

Navbatchi muharrir:
Gulruxbegim ODASHBOYEVA

Musahhihlar:
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

Sahifalovchi:
Hasan ABDULLILOV

Bosishga topshirish vaqti – 23:00
Toshirildi – 23:30

Bahosi kelishilgan narxda

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Manzillimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
E-mail:
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: 133

Gazetaning poligrafik jihatdan sifatlari chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.

Umumiy adadi 35 006 ta

Shundan: 6 521 nusxasi

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –

Toshkent shahri, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uyda;

19 294 nusxasi

«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –

Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;

9 191 nusxasi

«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –

Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma tabaq. Buyurtma: **G-811**

1 2 3 4 5 6